



20 20 у « 4 » июнь

№ Қ-243

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Бойсун тумани “Сайроб” массиви  
худудидан “SURXON IPAGI” МСНЈга  
чорвачиликни ривожлантириш мақсадида  
ер майдони ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/223-сон йиғилиш баёни ва Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 19 февралдаги 01-05/29-сонли хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/223-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бойсун тумани “Сайроб” массиви худудидан “SURXON IPAGI” МСНЈга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 308қ, 339, 341, 342, 343, 344, 345, 346, 347, 348, 375, 376, 377, 378, 379, 380, 381, 382, 384, 389, 450, 685 ва 683-дала контурларидаги жами 777 гектар, шундан 29,2 гектар лалми, 739 гектар яйлов ва 8,8 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов